



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 8 март, № 50 (7552)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АЁЛ БАХТЛИ БЎЛСА — ОИЛА, ЖАМИЯТ БАХТЛИ БЎЛАДИ



Юртимизга яна баҳор келди. Гулгунчалар япроқ ёзиб, новдаларга ҳаёт қони югураётган шу кунларда одамзод ҳам баҳорга ташна, янгиланиш фаслига етказганига шукрона келтиради.

Бутун борлиқдан тириклик нафаси уфуради, бўғотларга яна қушлар чуғури қайтади, лайлақлар ҳаволаб учади. Қизалоқлар яна сочиға толбаргак тақади, қиз-жувонлар лапар айтади. Ана шундай сурурли дамларда баҳорнинг илк байрами — 8 март қалбимизга кўклам ҳавоси, тириклик, гўзаллик, нафосат ифори билан бирга таширф буюради.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, мухтарам онахонлар!

Мунис опа-сингиллар! Дилбар қизларим!

Аввало, сизларни, бутун Ўзбекистон хотин-қизларини гўзаллик ва нафосат айёми — 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчангизга ўзимнинг энг эзгу ва самимий тилакларимни билдириб, доимо оилангиз ва яқинларингиз, эл-юртимиз ардоғида бўлиш бахтини тилайман.

Азиз юртдошлар!

Ер юзиде онгли ҳаёт пайдо бўлибдики, одамзод муқаддас Она сиймосини, аёл зотини улуғлаб, шарафлаб келади.

Оналаримиз шарофати билан Ватанимиз тупроғи жаннат боғларидек гўзал ва мўътабардир. Оналар дуосидан юртимиз тинч, осмоними мусофимо, ишимизда унум, ҳаётимизда барака бор.

Маълумки, муқаддас Куръони каримнинг энг катта сураларидан бири — “Нисо”, яъни “Аёллар” деб аталади. Аллоҳ таоло ушбу сурада инсонларни аёлларга адолатли муносабатда бўлишга даъват этади ва бу илоҳий сўзлар замирида албатта теран ҳикмат муҳассас.

Бир ҳақиқат аёнки, ҳар қандай халқнинг маънавий даражасини, аввало, шу юрт аёлларининг маънавий савияси белгилайди.

Буюк сиймоларнинг ҳаётига назар ташласак, уларнинг шахс сифатида камол топишида меҳрибон оналари, доно рафиқалари гоят муҳим роль ўйнагани аён бўлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорлиқни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Бугун сиз, азизларнинг чехрангизда хурсандчилик, шукроналик ифодасини кўриб, ана шундай ишларимиз натижасини, оз бўлса-да, ҳис этмоқдамиз. Ва биз мана шу тўғри йўлни давом эттириш, унинг самарасини янада ошириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Қадрли опа-сингиллар!

Бугунги кунда кенг кўламли демократик ислохотларимиз натижасида аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлардаги иштироки тобора кучайиб бормоқда. Буни ўтган йил декабрь ойида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар яна бир бор тасдиқлади.

Сайловлар натижасига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Бу кўрсаткич Сенатда ва маҳаллий Кенгашларда 25 фоиздан ошди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Холбуки, — шунга эътибор беришингизни сўрайман — бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик.

Ҳозирги вақтда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 380 нафардан зиёд хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда.

Мухтарам аёлларимиздан 16 нафари Ватанимизнинг энг олий мукофоти — “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлгани барчамизни қувонтиради. Хотин-қизларимиз ўртасида фан докторлари, профессор ва академиклар, “Халқ ўқитувчиси”, “Халқ шоири”, “Халқ артисти” унвонларига сазовор бўлган юзлаб опа-сингилларимиз борлиги — бу бизнинг фахримиз.

Биз ҳозирги кунда ишлаб чиқариш, таълим-тарбия, тиббиёт, илм-фан, маданият ва спорт соҳалари ривожига ҳам аёлларимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини юксак баҳолаймиз.

Барчангиз хабардорсиз, миллий парламентимиз тарихида биринчи марта аёл киши — ҳурматли Танзила Камоловна Норбоева Сенат Раиси лавозимига сайланди.

Юртимизда аёл раҳбарлар — вазирлар, ҳокимлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, банк ва компаниялар раислари, ҳуқуқ-тарти-

бот идораларида, Қуролли Кучларимиз таркибида масъул вазифаларда хизмат қилаётган опа-сингилларимиз сони ортиб бормоқда.

Яқинда ташаббускор ва ташкилотчи аёлларимизнинг муносиб вакиллари гоят масъулиятли ва маърифатли, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманига — Зулайхо Маҳмадова, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрига — Гавҳар Алимова, Сирдарё вилоятининг Боёвут туманига — Дилфуза Уролова, Қашқадарё вилоятининг Қарши туманига — Маҳсуда Мустафоева биринчи раҳбар этиб тасдиқландилар.

Эл-юртимизнинг катта ишончини қозongan бу опа-сингилларимиз бугунги анжуманда иштирок этмоқдалар. Уларнинг барчасини самимий табриқлаб, ишларига ютуқ ва омадлар тилашга ижозат бергайсиз.

Мамлакатимизда ўз фаолияти, эзгу ишлари билан кўпчиликка ибрат ва намуна бўлаётган хотин-қизларимиз кўпайиб бораётгани барчамизни хурсанд қилади. Шулар қаторида Фаргона вилояти, Риштон шаҳрида яшайдиган тадбиркор аёл Ибрабу Усмонова ҳаётининг матбуотда кенг ёритилди.

Сирдарё вилояти, Сайхунбод тумани, Ўзбекистон маҳалласида Гавҳар Хусанова деган фаол синглимиз бор. Айни вақтда у туман Кенгашининг депутати этиб сайланган. Гавҳарнинг қайнониси Гулбаҳор ая ўқитувчилик фаолияти давомида минглаб китоблар тўплаган экан. Гавҳар Хусанова уларнинг ёнига яна кўп адабиётларини қўшиб, қишлоқ аҳли учун ўз хисобидан “Мумтоз” деб номланган катта кутубхона барпо этгани таҳсинга лойиқ.

Яқинда оммавий ахборот воситалари орқали истеъдодли ёш оlima Азиза Шоназарованинг Америка Қўшма Штатларидаги нуфузли Колумбия университетининг профессори этиб тайинлангани ҳақида хушхабар тарқалди.

Пойтахтимизнинг Қорақамиш даҳасида вояга етиб, Тошкент шарқшунослик институтида, кейинчалик Польша ва АҚШдаги машҳур университетларда таълим олган Азизахон 32 ёшида тарих ва диншунослик йўналишида фан доктори бўлгани, 500 та талабгор орасида конкурсда ғолиб чиқиб, ана шундай юксак илмий даражага эришгани олқишга сазовордир.

Бу синглимизнинг айна вақтда яхши оила бекаси ва она экани, араб, форс, турк, рус, инглиз, француз, немис, поляк тилларида эркин мулоқот қилиши, эришаётган юксак натижалари мамлакатимиз ёшлари учун чинакам ибрат намунаси бўлади, деб ишонаман.

Азизахон ўз хурсандчилигини юртдошлари билан баҳам кўриш учун олис йўл босиб, АҚШдан Ўзбекистонга етиб келди. Келинлар, ёш олимимизни самимий табриқлаб, унга янада улкан ютуқлар тилайлик.

Айни вақтда бугунги тантанали маросимда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Хитой Халқ Республикасининг Фавкулда ва Мухтор элчиси Амани ал-Итти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий координатори Хелена Фрейзер ва Тараққиёт дастурининг доимий вакили Матильда Димовска, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ваколатхонасининг раҳбари Лиан Куппенс, Халқаро Қизил ҳоч қўмитасининг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Сангита Кёниг, Осий тараққиёт банкнинг доимий ваколатхонаси раҳбари Синтия Мальвичини хонимларни кўриб турганимиздан бениҳоя мамнунимиз.

Мамлакатимиз билан самарали ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган ана шу ҳурматли меҳмонларимизни Халқаро хотин-қизлар куни билан табриқлаб, эзгу тилакларимизни билдиришга руҳсат бергайсиз.

Қадрли анжуман қатнашчилари!

Юртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида ўтган йили салмоқли ишлар бажарилди. Жумладан, аёлларимиз учун жами 170 мингга яқин иш ўрни яратилди. Тижо-

рат банклари ва Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 172 мингдан ортққ опа-сингилларимизга 4,9 триллион сўм кредитлар ажратилди.

Республикаимизнинг барча ҳудудларида Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилди. Бугунги кунда улар томонидан 28 мингга яқин опа-сингилларимизга тадбиркорлик, хунармандлик, касбга қайта тайёрлаш, бандлиқни таъминлаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, беш муҳим ташаббус доирасида 21 минг 500 нафар қизларимиз қисқа муддатли касб-хунар курсларида ўқитилди.

Ана шундай имкониятлар тўғрисида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган аёллар сони бир йилда қарийб 45 минг нафарга кўпайиб, улар томонидан минглаб янги иш ўринлари барпо этилмоқда.

Мамлакатимизда жамият негизи бўлган оила институтини, ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш бўйича ҳам эътиборга лойиқ ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, хонадонлардаги ўзаро қароқчилик ва низо-ларни бартараф этиш, оилавий ажримлар сони-ни камайтириш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан кенг қамровли ишлар бажарилмоқда. Уларни ижобий баҳолаган ҳолда, бу ютуқлар биринчи қадамлар эканини, ҳали бу соҳада қиладиган ишларимиз жуда кўпчилигини ҳам таъкидлаш лозим.

Албатта, ҳаёт деган нарсасини ва машаққатларсиз бўлмайди. Лекин арзимаган қийинчиликка ҳам сабр қилмасдан, муқаддас оила кўрғонини бузиш, ажримларга йўл қўйишни барчамиз миллий урф-одатларимизга, меҳр-оқибатли, андишали халқимизга мутлақо ярашмайдиган ҳолат, деб баҳолашимиз зарур. Нега деганда, агарки бирон-оилада нотинч вазият ҳукмрон бўлса, ўзаро низолар тўғрисида бегуноҳ болалар тирик етимга айланадиган бўлса, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонлар ўз холига ташлаб қўйилса, бундай ҳолатга қарши ҳаммамиз биргаликда курашимиз керак.

(Давоми 2-бетда).



ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 7 март куни Тошкент шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Пойтахтимизда 2020 — 2022 йилларда умумий қиймати 9 миллиард 884 миллион долларлик 762 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Уларнинг 122 таси давлат дастури, 640 таси ҳудудий инвестиция дастурлари доирасидадир.

Хусусан, саноат соҳасида 1 миллиард 590 миллион долларлик 242 та лойиҳа, хизмат кўрсатиш йўналишида 4 миллиард 966 миллион долларлик 337 лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланган. Замонавий тураржой қурилиши бўйича 3 миллиард 328 миллион долларлик 183 та объект бунёд этилиши кўзда тутилган.

Йиғилишда ҳар бир тумандаги истиқболли лойиҳалар тақдими ўтказилди.

«Сергели» индустриал парки» кичик саноат зонасида амалга ошириладиган умумий қиймати 350 миллион долларлик, Яшнобод туманидаги Технопаркда умумий қиймати 418 миллион долларлик лойиҳалар уларнинг энг муҳимларидан.

Яккасарой кичик саноат зонаси ҳудудида ташкил қилинадиган Тошкент ишбилармонлик маркази, «Юнусобод сити»даги замонавий тураржой, қўнғилочар ва ишбилармонлик марказлари ҳам шаҳар ривожига хизмат қилади.

— Инвестиция ва экспортдан мақсад — иш жойи, қўшимча даромад. Тошкентда бу борада жуда катта ресурслар бор. Ҳозирча уларнинг ярмидан ҳам фойдаланилмаяпти. Шунинг учун ҳар бир туман кесимида кичик ва ўрта корхоналарни ўрганиб, ишлаб чиқариш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш, халқимизга кафолатларини қаромад манбаи яратиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

2020 йилда жами 4,8 миллиард доллар инвестициялар ўзлаштирилиши натижасида 400 дан ортққ лойиҳалар фойдаланишга топширилиши маълум қилинди. Булар доирасида 32050 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Шунингдек, жорий йилда 710,5 миллион доллар микдориде экспорт қилиниши мўлжалланган. Унинг қарийб 674 миллион доллар саноат маҳсулотлари, 36,5 миллион доллар мева-сабзавот маҳсулотларига тўғри келади.

— Олтириқ тумани 120 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилляпти. Тошкентдагидек саноат объектлари, коммуникация уларда йўқ. Пойтахтда зарур инфраструктура бор. Ҳокимлар ертўлани тозалаш билан шугулланадиган вақт ўтди. Энди туман раҳбарлари тадбиркорлиқни ривожлантириб, тадбиркорларни айланма маблағлар билан таъминлаб, экспортга кўмаклашиб, улар билан манзилли ишлаши керак. Сизлар ўзгармас экансиз, вазият ўзгармайди, — дея таъкидлади Президент.

Инвестициялар жалб этиб, зарурат бўлса, ташки бошқарувга бериб, саноатнинг янги йўналишларини йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

ФИДОЙИ АЁЛЛАР МУНОСИБ РАВБАТЛАНТИРИЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 6 мартдаги “8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги Фармониغا мувофиқ, давлат ва жамият ҳаётида фаол меҳнат қилаётган, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ хотин-қизлар фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида давлатимизнинг юксак ун-вонларига сазовор бўлган ишлаб чиқариш тармоқлари, тадбиркорлик, илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ аёлларга Президентимиз номидан ана шу мукофотлар тантанали топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш,

иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни-ни оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, олиб борилаётган кенг



қўламли ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасидаги улкан хизматлари муносиб эътироф этилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан аёллар давла-

тимиз томонидан кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва ғамхўрликдан мамнун эканини таъкидладилар.

— Президентимиз Фармони билан давлатимизнинг юксак мукофотиغا муносиб кўрилдим, — деди II даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби, Бухоро вилояти Вобкент туманидаги “Баркамол авлод” болалар мактаби директори Роҳат Ҳайтова. — Бу мен учун чексиз қувонч ва шараф. Мендек оддий аёлга, ўқитувчига камтарона хизматларини қадрлаб, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилгани катта бахт. Ушбу мукофот мени соҳада янада астойдил меҳнат қилишга, фарзандларимизни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга масъулият билан ёндашишга ундайди.

Абдулозиз МУСАЕВ, ЎзА мухбири.

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

«ЎЗ ЯҚИНЛАРИНГ БАВРИДА БЎЛИШ — КАТТА САОДАТ»

Давлатимиз раҳбарининг “Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган бир гуруҳ маҳкума аёлларни афв этиш тўғрисида”ги Фармони халқимизга хос аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш, бағрикенглик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик ва кечиримли бўлиш каби эзгу фазилатларнинг яна бир ифодаси бўлди.

Ушбу воқелик сабаб қўлаб оилалар яна нурга тўлди, афв этилганларга ҳаётини янгидан бошлаш имкониятини тўхфа этди. Бундан улар ниҳоятда хурсанд ва билиб-билимай содир этган қилмишларига чин кўнгилдан пушаймон. Буни уларнинг қуйидаги сўзлари ҳам ифодаляйди.

Бағрикенглик

Санобар ТўЛАНОВА:

— Жазони ўташ чоғида озодлик нақадар бебаҳо неъмат эканлигини англаб етдим. Президентимизга раҳмат. Аёлларга юксак даражада эътибор қаратиб, ғамхўрлик қилмоқда. Уларга ҳатто қамқоҳонада ҳам шароитлар яратиб берилган. Бу ерда болаларимни, оиламни соғиндим. Ҳар сонияда уларни ўйладим. Ёмғир ёғса, болаларим

совқотмадимикан, мактабига етиб олдимикан деб, хавотир олардим. Ҳар куни шундай бир мўъжиза юз берсаки, болаларим олдида бўлиб қолсам деб, орзу қилардим. Мана, мен интиқиб кутган мўъжиза амалга ошди. Оилам бағрига қайтдим. Бунинг учун Ўртбошимиздан чексиз миннатдорман. Энди тўғри йўлда юриб, билдирилган ишончини оқлайман.

Мухаррам ИНОМОВА (Қирғизистон Республикаси фуқароси):

— Вақти келса, қилган биттагина хатомизни турмуш ўртоғимиз ёки онамиз кечиролмайди. Лекин қилган жиноятимизни Президент кечирди. Бу ғамхўрликнинг, бағрикенгликнинг қадри биз учун чексиз. Тўғриси, озодлик тушимга ҳам қирмай

қўйган эди. Бугун мен инсонлигимни, оналигимни чўқур ҳис қилдим. Бошқа бу йўлга қирмасликка сўз бераман. Мен бошқа юрт фуқароси бўлсам ҳам афв этгани учун Ўзбекистон Президентига ўз ташаккуримни билдираман.

Феруза ИСМАТОВА:

— Давлатимиз раҳбарининг афвига кўра, муддатидан олдин жазодан озод этилиб, оилам бағрига қайтдим. Бу мамлакатимиздаги инсонпарварликка йўғрилган адолатли сиёсат самараси, мен каби ҳаётда адашган, билиб-билмай жиноят содир этган бўлса-да, хатосини тушуниб, чин кўнгилдан пушаймон бўлган аёлларга чексиз бағрикенглик ифодасидир.

Ҳечам кутмаган эдим. Қувончим, ҳаяжонимнинг чеки йўқ. Бу менга, оила аъзоларимга Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ишларимизни янгича руҳ билан давом эттираимиз.

Қамокда ўтган ҳар бир куним менга озодлик, тинчлик, ҳузур-

ҳаловатнинг нақадар қадрли эканлигини англапти. Айниқса, ўз оиланг, яқинларинг, тинч ва фаровон жамият бағрида яшашдан улғуроқ неъмат йўқ экан. “Она-жоним қачон келади?”, дея кўча эшигига термилиб турган, энди-гина 10 ёшга қадам қўйган қизим Ширинабонуни бағримга босиб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Давлатимиз раҳбари берган имкониятдан фойдаланиб, билдирган ишончларини оқлайман. Бундан бунён бошимдан ўтказганларимдан тегишли ҳулоса чиқарган ҳолда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

«Халқ сўзи».

Дил сўзи

Озода ПАРПИБАЕВА, Тошкент вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, «Меҳнат шухрати» ордени соҳибаси:

— Бу мукофот, авваламбор, барча вилоятимиз аёлларига тегишлидир! Шу билан бирга, хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузи кун сайин ошиб бораётгани ифодасидир. Масалан, ўтган йили Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони ошди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Сенат ва маҳаллий Кенгашларда эса бу кўрсаткич 25 фоиздан ошди. Бундан фахрланамиз, албатта. Шу билан бирга, халқимизнинг ишончини, масъулиятни янада чўқур ҳис қиламиз.

Бугун хотин-қизларга муносабат ўзгача. Мамлакатимизнинг

энг чекка қишлоқларидаги хонадонларда яшаётган дилбар опасингилларимизнинг ҳаётини янада яхшилашга, уларнинг муаммоларини бартараф этишга ҳаракат қилинапти. Шунингдек, оғир шароитдаги аёлларга, ногиронлиги бўлган фуқароларга яқиндан ёрдам бериш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни ўқитиш, ҳаётга мослаштириш борасида тизимли чора-тадбирлар олиб боришимиз зарур. Айниқса, ёш қизларимиз тарбиясига алоҳида эътибор қаратсак, оилаларимиз, маҳаллаларимиз янада мустаҳкам бўлади. Бу борадаги сайёҳаракатларда янада фаол ва ташаббускор бўламиз.

Азиза ШОНАЗАРОВА, Америка Қўшма Штатларининг Колумбия университети профессори, «Дўстлик» ордени соҳибаси:

— Президентимизнинг байрам тантанасидаги нутқини барчамиз катта ҳаяжон билан тингладик. Унда менинг фаолиятим ҳам алоҳида тилга олинганидан беҳад тўлқинланиб кетдим. Қолаверса, давлатимизнинг юксак ордени билан мукофотланишим мен учун қутилмаган қувончли янгилик бўлди. 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига умрбод унутилмас катта совғага айланди. Ҳаяжонимни сўз билан таърифлашга тил ожиз. Шу муноса-

бат билан бугун Ўзбекистондан. Аэропортдан тўғри онам фаолият юритаётган пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги оилавий поликлиникага бордим. Хушхабарни эшитиб, хурсанд бўлганларидан йиглаб юбордилар. Она учун фарзанди қамолдан, дийдоридан ортқ бахт йўқ.

Сафарим давомида юртимиздаги илм-фан соҳаси мутасаддилари, ёшлар билан учрашиш ни-ятидаман. Президентимиз ташаб-

Дилбар СУВОНОВА, Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи директори, «Дўстлик» ордени соҳибаси:

— Камтарона меҳнатларим юксак баҳоланиб, “Дўстлик” ордени билан тақдирланишим — бу нафақат менинг, балки бутун жамоамиз фаолиятига катта рағбат, деб биламан. Энг муҳими, ушбу давлат мукофотини Президентимиз Шавкат Миромоновичдан қабул қилиб оларканман, айнаи дамда ўзим-ни меҳнатлари қадр топган, эъзоз ва эҳтиромга муносиб

ўзбек аёллари қаторида кўриб, чин қалбдан қувондим!

Бахт тушунчасини ҳар ким ўзича тасаввур этади. Мен ўзим интилган бахт-саодат бугун теграмда турибди. Ўқитувчилик касбидан шараф топиб, эл-юрт орасида ҳурмат-эътибор қозондим. Ижтимоий-сиёсий фаол аёллар сафидан жой олиб, вилоят Кенгаши депутатли сифатида жамиятимиз

равнақига баҳоли қудрат ўз ҳиссамни қўшаётганимдан мамнунман. Жамоамиз билан бирга кўнгли кемтик фарзандлар қалбига йўл топишга ҳаракат қилиб келяпмиз. Улар жамиятда муносиб ўринларини эгаллаяпти. Бу борадаги ишларимизни янгича руҳ билан давом эттираимиз.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА ЎРНИДА



SANOAT QURILISH BANK

8 март

Азиз опа-сингиллар!

Барчангизни баҳорнинг илк айёми — 8 март —

Халқаро хотин-қизлар куни билан туборакбод этамиз!

Баҳорий кайфият умрингиз давомида ҳамроҳингиз бўлсин!



QISHLOQQURILISH BANK

Муҳтарама опа-сингиллар, Сиз, аэизларини

8 март

айёми билан табриклаб,

қуйидаги омонат шурфини тақлиф қиламиз:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ МУДДАТЛИ

«ЯНГИ МАҚСАД»

Омонат муддати – 370 кундан 550 кунгача

Фоииз ставкаси – йиллик 21%

Омонатга ҳисобланган фоиизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

«Қишлоқ қурилиш банк» – фаровон ҳаётингиз хизматида!

78-150-93-39, 78-150-72-58.

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.



«Дўстлик» ордени
Навоий кон-металлургия комбинати
жамоаси

8 март —

Халқаро хотин-қизлар байрами
муносабати билан муҳтарама
аёлларимизни самимий қутлайди!

Яхши биламизки,
аёл ҳамиша гўзаллик
ва садоқатнинг ёрқин тилсоли
сифатида улугланиб
келинган.
Хонадонларингизда доимо
қут-барака, тинчлик ҳамда
сокинлик руҳи ҳукм суришини
тилаб қолади.
Яна бир бор
қутлуғ айёмингиз
муборак бўлсин!



«Олмалиқ КМК» АЖ

Ўзбекистонимизнинг
барча аёлларини
8 март —
Халқаро хотин-қизлар куни
билан табриклайди!

Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик,
бахт ва саодат,
оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик
ва эзгу ишларингизга
улкан муваффақиятлар тилайди!




8 Март

«Асака» банки жамоаси 8 март —
гўзаллик ва нафосат байрами билан юртимиздаги
барча аёлларни муборакбод этади!
Ҳаётингиз ҳамиша бахтга тўла бўлсин!

ASAKA BANK

QISHLOQQURILISHBANK

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР
РАЎБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ

банк ахборот тизимини
АТ-аудитдан ўтказиш бўйича
танлов савдолари бўлиб ўтишини
эълон қилади.

Танловда маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва етказиб
бериш ҳуқуқига эга бўлган, ахборотлар хавфсизлиги
тизимларини таъминлаш тажрибасига эга маҳаллий
ва хорижий фирмалар, ташкилотлар иштирок
этишлари мумкин.

Шунингдек, унда танлов ҳужжатлари талабларига
жавоб берадиган, маҳаллий ва халқаро банкларни
аудитдан ўтказиш тажрибасига эга маҳаллий ҳамда
хорижий фирмалар, ташкилотлар қатнашишларига
шароит яратилган.

Танлов комиссиясининг ишчи органи номи ва манзили:
Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри,
Алишер Навоий кўчаси, 18-«А» уй,
«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Ахборот
технологиялари департаменти.
Телефон: 78-150-77-32.
Масъул шахс — Улугбек Исломов.

Техник талаблар ва танлов шартлари ҳақидаги
маълумотлар «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ
веб-сайтининг
<http://qishloqqurilishbank.uz/uz/tenders/>
манзилида жойлаштирилган.

Танлов таклифларини қабул қилиш муддати —
2020 йил 16 март соат 16.00 гача.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 62 954 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани
расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор
А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Набатчи муҳаррир — Д. Каримов.

Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6